

Кениялик муслмонларга Ҳаж зиёрати бекор қилинди



11:00 / 23.06.2021 1504

Чет эллик муслмонлар учун ўтган йилги ва бу йилги ҳаж зиёратининг бекор қилиниши Аллоҳнинг иродаси.

«Кения муслмонлари олий кенгашига 2021 йилги мавсум учун халқаро зиёратчилар учун ҳаж сафари бекор қилинганлиги тўғрисида хабар келди», дейди Кения муслмонлари олий кенгашининг миллий раиси Хасан Оле Наадо.

— Биз бу йил ҳам сабр қилган ҳолда мамлакатимиз аҳолиси билан Ҳаж сафарини бажармасликлари тўғрисида келишиб олдик. Ҳаж — бу Аллоҳнинг муқаддас ерга даъвати эканлигини таъкидлаб, Оле Наадо кениялик муслмонлардан кўпроқ тавба қилишни илтимос қилиб, Аллоҳга дуо қилишларини сўради.

«Коронавирусга қарши тўлиқ вакцинани синовдан ўтказилишини билиб, олдим. Келаси йили биз ҳаж зиёратига борамиз деб умид қилишим мумкин», дейди кениялик 48 ёшли тадбиркор Ражаб Рама.

Хуршид Маъруф тайёрлади